



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН САРТАРОШЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

**“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳалларда истиқомат қилувчи 18-30 ёшдаги ёшлар ўртасида “Эркаклар сартароши” танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Беш ташаббус олимпиадаси” 2023 йил мавсумини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга багишлиган 22-сонли йигилиш баёни ҳамда 2023 йил 1 июнданги 103-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Сартарошлар ассоциацияси (биргаликда Томонлар деб юритилади) қарор қиласди:

1. Томонлар ўртасида имзоланган “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи 18-30 ёшдаги ёшлар ўртасида “Эркаклар сартароши” танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6.6-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“6.6. Туман (шаҳар), ҳудудий ва республика босқичларида ғолиблар қуидагича тақдирланади:

### **Туман (шаҳар) босқичи:**

**I ўрин – танловнинг ҳудудий босқичига йўлланма;**

**II ўрин – 2 млн. сўмгача;**

**III ўрин – 1,5 млн. сўмгача;**

**охирги ўрин – 1 млн. сўмгача тикувчилик касби бўйича асбоб-ускуналар;**

### **Ҳудудий босқич:**

**I ўрин – танловнинг республика босқичига йўлланма;**

**II ўрин – 3,5 млн. сўмгача;**

**III ўрин – 3 млн. сўмгача;**

**қолган барча иштирокчилар – 2,5 млн. сўмгача тикувчилик касби бўйича асбоб-ускуналар;**

### **Республика босқичи:**

**I ўрин – 100 млн. сўм;**

**II ўрин – 75 млн. сўм;**

**III ўрин – 50 млн. сўм;**

**қолган барча иштирокчилар – 15 млн. сўм пул маблағи билан тақдирланади”.**

Бунда, республика босқичидағи иштирокчи ёшларни рағбатлантириш тұловларидан даромад солиги ушлаб қолиниб, аризачининг банк пластик картасига үтказиб берилади.

2. Мазкур қарор имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ёшлар ишлари агентлиги директори үринбосари Ф. Аблаяров зиммасига юклатылсın.

**Ёшлар ишлари агентлиги  
директори**

Тошкент ш.,  
2023 йил “9”-август  
01.07.23-сон



**А. Саъдулаев**

**Ўзбекистон Сартарошлар  
ассоциацияси раиси**

Тошкент ш.,  
2023 йил “9”-август  
04.08-сон



**Ф. Шомуродов**